

Президент: «Худога шукр, олдин азонлар эшитармидик...»



12:00 / 19.02.2021 1490

Куни кеча президент Шавкат Мирзиёев Намангандаги «Даштбоғ» кичик sanoat зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечириш учун хонадонлардан бирига ташриф буюрди. Президентни хонадон эгалари Исмоил Киргизов ва Малика Парпиева ҳамда уларнинг қўни-қўшилари кутиб олишди.

– Мен кўпроқ оддий одамлар билан гаплашсам, сизларнинг кўзларингизга қарасам, ниятларингизни билсам, дейман, – дейди Шавкат Мирзиёев.

Илиқ мулоқот чоғида атрофдаги масжидлардан азон овози янгради.

«Худога шукр, олдин азонлар эшитармидик? Қандай қулоққа ёқимли!

Ҳамма нарса ёпиқ эди, кўп нарса мумкин эмас. «Мумкин эмас...» Нимага мумкин эмас? Нимага? Бу ҳам ўзлигимизни англаш, қадрият!

Ислом динини ўқиган, тўғри таҳлил қилган, тўғри йўл танлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Динимизнинг буюклигини, динимизнинг инсонпарварлигини, эзгулигини тараннум қилишимиз керак. Бу ҳам бизнинг эртанги кунимиз, ўзлигимиз, тарихимиз.

Имом Бухорий бобомиздек буюк аллома қаерда бор, қайси юртда бор? Мотуридий, Термизий, Марғилонийдек боболаримиз қаерда бор?

Мана, Тошкентда Ислон цивилизацияси марказини қурганимиз ҳам ўзлигимизни англаш учун. Ёшларимизга боболаринг ким эди, сен кимга муносиб бўлишинг керак, кимдан ўрнак олишинг керак деган саволларни кўндаланг қўйиш вақт-соати келди», – дея таъкидлади президент.

Халқимиз учун Ислоннинг шиорларидан бўлган азонни яна овоз кучайтиргичлар орқали айтилишига рухсат берилиши миллионлаб мўмин муслмонлар қалбини эритиб юборгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун юртимизда фаолият юритиб келаётган масжидларнинг баланд минораларидан беш вақт баралла азон овозлари янграмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда аввал ёпилган масжидлар қайта таъмирланиб очилмоқда ва янги замонавий масжидлар қурилмоқда. Ўзбекистон Муслмонлар идорасининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда 40 та янги масжид очилган ва 500дан ортиғи қайта таъмирланган. 2021 йилнинг 26 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги масжидлар сони 2081тани ташкил қилмоқда.